

Рамазон ойида асл мақсад сари қайтинг



03:30 / 29.03.2023 1500

Ибодат қилишдан ташқари дунё ишларига ҳам рухсат берилиши суистеъмол бўлишини Аллоҳ таоло яхши билар эди. Қачон инсон дунё ишлари ва ташвишларига машғул бўлса, секин-секин унинг қалбига ғафлат пардаси тушиб боради, кейин дунё ишлари ва ташвишларига бутунлай ўралашиб қолади. Шу сабабли ушбу ғафлатни кетказиш учун Аллоҳ таоло баъзи вақтларни тайин қилган. Улардан бири муборак Рамазон ойидир. Чунки йилнинг ўн бир ойида сиз тижорат, зироат, меҳнат, дунё иш ва ташвишлари, ейиш, ишлаб топиш ва ўйин кулгу қилиш ила машғул бўлдингиз. Яъни Аллоҳга ибодат қилишдан бошқа ишлар ила ҳам машғул бўлдингиз.

Бунинг оқибатида қалбингизга ғафлат туша бошлади. Аллоҳ таоло ана шу

ғафлатдан чиқишингиз, асл яратилиш мақсадингиз бўлмиш ибодат сари қайтиб олишингиз учун бутун бошли бир ойни тайин қилди. Чунки айнан ибодат учун сиз бу дунёга юборилгансиз, айнан ибодат учун яратилгансиз. Ушбу ойда Аллоҳ таолонинг ибодатида машғул бўлинг ва ўн бир ой содир этганингиз гуноҳларни мағфират қилдириб, қалбга тушган зангларни ювдириб олинг. Мана шу ишлар учун Аллоҳ таоло бу ойни тайин қилгандир.

«Рамазонни қандай ўтказамиз?» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.